

РАҲБАР ТАШАББУСКОР, ТАЛАБЧАН ВА АЛБАТТА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ДОЗИМ



9 июль куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилояти ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўзига хос юксак салоҳиятини намойиш этган, унинг юртимиз ривожига катта улуш қўшаётгани ва намуна бўладиган кўпдан-кўп жиҳатлари борлиги ҳақида гапирди. Биз бунини Самарқанд замида ўзаро тотув ва ҳамжихат яшаётган кўпмиллатли аҳоли тимсолида, ижтимоий инфратузилмалар, етакчи олий ўқув юрталари, фан ва маданият масканлари фаолиятида, санаят, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, вилоятнинг бугунги ҳаёти ва буюк истиқболга интилишида кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сессияда гап вилоят ҳокими ва умуман вилоят раҳбариятининг иши, вилоят ҳаётига таъсири, номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган айрим ҳолатлар, бошқача айтганда, юзага келган носоголом муҳит ва уни бартараф этиш, тегишли чоралар кўриш ҳақида борди.

Вилоятда сўнгги олти-етти ой давомида бажарилган ишлар таҳлили Самарқанд вилояти ва шаҳрида вазиятнинг тобора кескинлашиб бораётганини, ҳозирги вақтда кўпгина ноқура хатти-ҳаракатлар, жинсий ишлар очилаётганини, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари, адолат бузилиши, энг ачинарлиси, гурӯҳбозлик, маҳаллийчилик кўришилари, кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз уқтирганидек, бундай вазиятда жойларда ишлаётган минглаб одамларнинг адолатга ҳаётга, эртанги кунга ишончи йўқолиши, улардаги ташаббускорлик, ишланувчанлик ва меҳнатсеварлик интилишларига пуғур этиши мумкин. Вилоятдаги талбиркор ва изланувчан раҳбар ва мутахассисларнинг ҳам ишдан қўли совиб қолади. Ўз вақтида бундай хавфни сезмаслик ва унга қарши тегишли чораларни кўрсатиш оғир оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди. Президент Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лавозимида ишлаб келаётган Мамарино Нурмуратов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими раиси Темир Ширинов, Самарқанд шаҳридаги 1-педагогика коллежи директори Дўдал Носирова, Нарпай тумани ҳокими Акбар Жамиллов ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг муҳим бурчи эканини таъкидладилар.

(Ў.А.)
Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

М.Б.Нурмуратовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Мамарино Нурмуратовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р.И. Холмуродовни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 июль.

Авалло, бугун мана шу муаззам ва муқаддас Самарқанд замида туриб, сиз, муҳтарам юртошларимга, сизларнинг тимсолигинида барча вилоят аҳлига тинчлик-омонлик, сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилашга ижозат бергайсиз, деди Президент Ислам Каримов 9 июль куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида.

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда, аввало, жаҳоннинг қадимий цивилизацияси бешикларидан бири, ўзининг бой тарихи ва маданияти, улкан иқтисодий ва маданий салоҳияти, гўзал табиати билан ҳар қандай инсонни ўзига мафтун этадиган бетакор бир макан намойён бўлади.

Самарқанд тимсолида дунё аҳли нафақат Ўзбекистон, нафақат Ўрта Осиё, балки кўнра Шарқ оламини ўзига тасаввур қилиши, шу боис бу заминга катта қизиқиш ва ҳурмат-эҳтиром билан қараши ҳақида батафсил гапириб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак, деб қайд этди Юртбошимиз.

Самарқанд тимсолида миллатимиз, халқимиз онгу тафаккурида Амир Темур бобомизнинг шону шавкати, Улуғбек даҳоси, Имом Бухорийи ва Имом Мотуридидий, Хожа Аҳрор ва Маҳдуми Аъзам каби азиз-авлиёларимизнинг хоки поклари ётган муборак замин гавдаланади.

Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси, юртимизда яшайдиган ҳар қайси инсон, миллати ва тилидан қатъий назар, ер юзининг сайқали деб ном олган Самарқанд билан ҳамшира рурур ва ифтихор қилиб яшайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугунги кунда Самарқанд вилояти, ҳаётнинг қайси соҳаси бўлмасин — бу санаят ёки қишлоқ хўжалиги бўладими, маданият, фан, таълим ёки соғлиқни сақлаш бўладими — буларнинг барчасида ўзига хос юксак салоҳиятини намойиш этаяётгани, унинг юртимиз ривожига қўшаётган ҳиссаси ва улуши катта эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгариш ва ислохотларда Самарқанднинг намуна бўладиган кўп-кўп жиҳатлари борлигини ҳам эътироф этишимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд шаҳри, Самарқанд вилояти нафақат ўзининг тарихи, юксак маданияти, иқтисодий имкониятлари билан, керак бўлса, бетакорлиги билан ҳам Ўзбекистоннинг бутун ранг-баранглигини ўзида мўжзам этди.

Биз бунини Самарқанд за-

минда ўзаро тотув ва ҳамжихат бўлиб яшаётган кўп миллатли аҳоли тимсолида, ижтимоий инфратузилмалар, етакчи олий ўқув юрталари, фан ва маданият масканлари фаолиятида, санаят, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, вилоятнинг бугунги ҳаёти ва буюк истиқболга интилишида кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари тарихда ҳам, бугунги кунда ҳам Самарқанднинг ўзига хос аҳамияти, моҳияти ва ҳосияти бетакорлиги ҳақида хулоса қилар экан, Самарқанднинг эришаётган ютуқлари, вилоят эртанги ҳаётининг пойдевори тўғри ва мустаҳкам бўлиши учун бугун бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этишда Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукуматининг, Олий Мажлис депутатлари, вилоят халқ ноиблари, вилоят фаоллари, қисқа қилиб айтганда, барча ўз масъулиятини ва жавабгарлигини ҳис қилиши табиий эканлигини уқтирди.

Самарқанд вилоятининг навбатдан ташқари сессияси кун тартибига қўйилган масала ҳақида гапирганда, гап ким ҳақида бораётгани ва бу маҳлисини ўтказишга нима сабаб бўлаётгани вазиятга депутатлар ва фаолларига маълум бўлиши керак, деди Ислам Каримов.

Охириги икки-уч ҳафта давомида Марказдан мутаассад раҳбар ва мутахассислар келиб, Самарқанднинг ҳозирги аҳолисини, бу ерда олиб борилаётган ишларни, вилоят раҳбарияти фаолиятини, лўнда қилиб айтганда, мавжуд муҳит ва вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқаяётганидан ҳам хабардорсиз, албатта. Шунга таъкидлаб ўтишни зарур деб биланам: бугунги сессияда гап вилоятнинг барча соҳа ва йўналишларидаги белгиланган режаларни бажариш ва тармоқларни ривожлантириш бўйича ҳисобот ва баҳо бериш ҳақида кетаяётгани йўқ. Албатта, бундай таҳлилнинг ҳам вақтисоати келади, бу ишни йил якуни бўйича амалга ошириш ўринли бўлади, деб ҳисоблайман.

Вилоятдаги мавжуд ҳолат ва вазиятни ҳисобга олиб, булар сиз, халқ вакиллари билан муҳим бир масалани муҳокама қилиб, керакли хулосаларни чиқаришимиз зарур.

Сўз вилоятнинг биринчи ҳокими ва умуман, вилоят раҳбариятининг иши, унинг вилоят ҳаётига таъсири, керак бўлса, бугун ва эртанга номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган айрим ҳолатлар, Самарқанд вилояти ва шаҳри миқёсида юзага келган, очик айтишимиз керак, носоголом муҳит ҳақида, бу-

гун сизлар билан бирга атрофлича фикрлашиб, бундай вазиятни бартараф этиш, тегишли чораларни кўриш ҳақида бормоқда, деди Президент. Акс ҳолда бундай вазият эртага газак олиб, оғир муаммоларга айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Олдин Самарқанд вилояти ҳокими лавозимида ишлаган Ш.Мирзиев Олий Мажлис сессиясида Бош вазир этиб сайланганидан кейин унинг ўрнига Рустам Холмуродов вилоят ҳокими лавозимида тайинланганини кўпчилик яхши эслади. Чунки бунга бор-йўғи олти-етти ой бўлди, холос. Ушунда бу шахсга қандай умид, қандай ниятлар билан ишонч билдириб, авваломбор, унинг олдинги иш фаолиятини ҳисобга олиб, керак бўлса, Тошкентда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида вазирнинг биринчи муовини бўлиб ишлагани, Самарқанддаги иккита етакчи олий ўқув юртига раҳбарлик қилгани, бу одам билан бирга ишлаган мутахассисларнинг фикрини чуқур ўрганиб, мана шу хулоса қилганини, яъни вилоят ҳокими лавозимига тайинланганини эслаб ўтишимиз ўринли бўлади, деди Президент.

Ва ана шу сессияда бу кишини юксак вазифага тайинланганимида, унинг билими ва ҳаёт тажрибасини инкор этмаган ҳолда, янги лавозимда ишлаш учун нималарга эътибор бериш зарурлиги ҳақида айтган фикрларимизни ёдга олсак ва бугунги сессия кун тартибига қўйилган масалани айнан шундан бошлаш керак, менимча, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Биринчи галда, вилоят ҳаётига чуқур кириб бориш, одамларнинг аҳолидан бохабар бўлиш, бугун вилоятни ўз елкасида кўтариб турган ишчи ва деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар, кексаларнинг дарду армонларини билиб, шу аснода уларнинг ишончини оқлаш учун бор куч-қуввати, ақл-заковатини сарфарбар қилиш кераклигини айтганимиз кўпчиликнинг ҳаёлида сақланган қолган бўлса керак. Ушунда айнакча бир гални шахсан ўзим алоҳида таъкидлаб, шундай деган эдим: Баракка топқур, сиз бу лавозимнинг нақадар оғирлигини, масъулиятини баки ҳозир тушуниб, англаб олишингиз қийин бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам вилоятдаги вазиятни чуқур ўрганиш, мавжуд жиддий муаммолар билан яқиндан танишиш, уларнинг ечимини топишда, аввало, халқимиз, жамоатчилигимиз билан бир таниб бориш зарур бўлиб меҳнат қилиш зарур. Президентимиз шу есе-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ 2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида" 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг юксак, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базасини ва таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларни ўқитиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сон фармойиши билан тузилган Махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга ошириш тадбирлари маъқуллансин, унда қуйидагилар назарда тутилди:

умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш;

мактабларни замонавий ўқув ва ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлари ва ўқув-усулбий материаллар билан жиҳозлаш;

таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тақомиллаштириш;

умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

умумтаълим мактаблари спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш;

2. Қуйидагилар:

бузиб ташланадиган авария ҳолатидаги мактаблар ўрнига янги мактаблар қуриш, мактабларни, шу жумладан, бориш қийин бўлган минтақалардаги мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари;

умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш параметрлари тасдиқлансин;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда, ушбу қарорнинг 2-бандида тасдиқланган параметрлардан келиб чиққан ҳолда 2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини тиклашнинг аниқ ҳудудий дастурларини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлансинлар.

Шу билан бирга, капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш даврида тикланаётган мактаблар ўқувчиларини яқинда жойлашган мактабларга ва бошқа умумтаълим муассасаларига, ўқув жараёнига зарар етказмаган ҳолда вақтинчалик ўтказишнинг аниқ жадал ва жойлашуви ишлаб чиқилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили Инвестиция дастури лойиҳасини ва аниқ рўйхатларни шакллантиришда бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига янгидан қуриладиган, капитал реконструкция қилинадиган, капитал ва жорий таъмирланадиган умумтаъ-

лим мактаблари сонини ва рўйхатини, ишларни молиялаштириш ҳажмларини белгиланган ҳолда, аниқ кўрсатсинлар. Бунда капитал реконструкция қилинадиган, капитал ва жорий таъмирланадиган мактабларни тиклаш ишларининг бир тоифасидан бошқача ўтказиш қатъий таъқиқлансин, параметрларга қатъий риоя қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссияга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан тасдиқланган умумий параметрлар доирасида умумтаълим мактабларини қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг ҳар йили тасдиқланадиган аниқ рўйхатига ўзгариш киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Қуйидагилар:

бузиб ташланадиган мактаб бинолари ўрнига янги-янгиларни қуриш, мактабларни капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича чекланган норматив ҳаражатларини ва намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича "ЎзшарҳорсоқЛИТИ" очик акциядорлик жамияти, "Ўзқишлоқлоқ" очик акциядорлик жамияти ҳамда "Ўзмеркорқурилишлойиҳа" очик акциядорлик жамияти бош инстантлар этиб белгиланганлиги;

кўрсатиб ўтилган лойиҳалар институтларини томонидан янги қурилуш учун 6 намунавий лойиҳа, капитал реконструкция қилиш учун 51 намунавий лойиҳа, капитал таъмирлаш учун ҳаражатларнинг чекланган нормативлари кўрсатилган лойиҳа ечимларнинг 10 та альбомини, жорий таъмирлаш учун ҳаражатларнинг чекланган нормативлари кўрсатилган лойиҳа ечимларнинг 5 та альбомини, шунингдек, умумтаълим мактабларини айрим узеллари ва конструкцияларини мустаҳкамлашнинг 220 лойиҳа ечимини кўрсатилган намунавий альбом ишлаб чиқилганлиги;

умумтаълим мактабларини янгидан қуриш юзасидан намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқишда ўқувчи ўринларининг чекланган сони шаҳар жойларда 945 ўрин, қишлоқ жойларда 630 ўрин ва тоғли ҳамда узок минтақаларда — 160 ўринга этиб белгиланганлиги;

мактабларни тиклаш ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳаларга ҳамда тасдиқланган қурилуш меъёрлари ва қодаларига риоя қилиниши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси "Давариктектурчилик" кўмитасига юклансин;

тасдиқланган намунавий лойиҳалар ва лойиҳа ечимларини аниқ шароитларга боғлашда улардан четга чиқариш фақат бош лойиҳалар институтлари билан келишилганда ва Ўзбекистон

РАҲБАР ТАШАББУСКОР, ТАЛАБЧАН ВА АЛБАТТА АДОЛАТЛИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун вилоятда кейинги олти-етти ой давомида бажарилган ишларни таҳлил қилиб, жойларда, айниқса, Самарқанд шаҳрида вазиятнинг тобора кескинлашиб бораётганини, ҳозирги вақтда кўпгина ноҳужа хатти-ҳаракатлар, жинсий ишлар очилганганини, ўз вази-фасини суистеъмол қилиш ҳолатлари, адолат бузилиши, энг ачинарлиси, гуруҳбозлик, маҳал-лийчилик кўринишлари, кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойга қўйиш масалаларида жиддий нуқсонлар борлигини кузатиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, вилоят ҳокими ўз фаолиятида катта хатоларга йўл қўйганини таассуф билан айтишимиз зарур. Бу хатолар нималардан иборат? Президентимиз ушбу саволга жавоб бериш асосида, вилоят ҳокими фаолиятини ҳар томонлама ва чуқур танқидий таҳлил этди.

Авалло, бу раҳбар фаолиятида ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилияти кўзга ташланмади ва бунга интилиш ҳам мураккаб сезилмади, деди Ислоҳ Каримов.

У одамларни бирлаштириш, уларнинг бошини қовуштириш, бундорлик ишларига сафарбар этиш каби ҳар қайси раҳбар учун зарур бўлган фахрларни кўрсата олмайди.

Ақсича, ҳаммага яхши кўринишга уриниш, ишда қатъиятлик ва талабчанликнинг йўқлиги вилоятда салбий ҳолатларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Вилоят раҳбарининг иш фаолиятини кузатганда, унинг аҳволни яқиндан ўрганиш учун шаҳар-туманларга, узоқ қишлоқларга бориш, халқ ичига кириб, жойларда қандай ижтимоий муаммолар борлигига, мактаб ва боғчалар, касалхоналар, маданият ва спорт иншоотларидаги шароит, қурилиш ва ободончилик ишларига етарли эътибор бермаганини кўриш мумкин.

Холбуки, ўзини раҳбар деган, етакчи деган одам вилоятдаги вазиятни

беш қўлда билиши — қаерда нима бўляпти, қаерда газ-сув, қаерда уй-жой, қаерда ишсизлик муаммолари кучайиб бормоқда — уларни ечиш учун ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўриши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши, уларга амалий ёрдам бериши даркор. Афсуски, Р.Холмуродов ўз иш фаолиятини ҳаёт ўртага қўйганда ана шу талаблар асосида ташкил эта олмайди.

Вилоятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, бу масъулиятни вазифининг маъно-моҳиятини аниқлаш, бу ишларга жамоатчиликни кенг жалб қилиш, энг аввало, мавжуд салбий ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар қўрилиши. Раҳбар ўзини қийнамаддан, ўзи ёнмасдан ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилмасдан туриб, бир-бириндан муҳим, бир-бириндан долзарб бундай муаммоларни ҳал этиш олиб бериши, таассуфки, Холмуродов тушуниб етмади.

Бугунги вазият шуни талаб қиладики, раҳбар талабчан, керак бўлса, қаттиққўл бўлиши, лекин биринчи гада адолатли бўлиши зарур, деб таъкидлади Юртбошимиз. Бағрикенг, оққўнғил одамларнинг ҳар қандай талабчан, қаттиққўл раҳбарга чидайдими, адолат бузилса, чидай олмайди.

Вилоят ҳокимининг яна бир хатоси шуки, у вилоятдаги идора ва ташкилот раҳбарлари, туман ҳокимлари ва ҳуқуқи муҳофаза қилуш идораларининг мутасадди ва масъул ходимлари билан баҳамжихат ишлашни йўлга қўй олмайди.

Шу сабабли вилоятда интизом ва тартиб су-сайиб бораётганини сезиш қийин эмас.

Натижада вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий таррақиятини жадаллаштириш, барча соҳаларда қонун талабларига қатъий амал қилиш, одамларни иш билан таъминлаш бундан амалий чоралар кўрилишига, Самарқанд вилоятда

мавжуд иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш, шу жумладан, нақд пул масаласи, солиқларни тўлаш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш, авваломбор, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тегишли талаб қўйиш, уларнинг қонунга иттифоқлигини таъминлашда ҳоким ўз қатъиятини кўрсата олмайди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари вилоятда кадрлар масаласида йўл қўйилаётган хато ва нуқсонларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Кадрларни танлаш, жой-жойга қўйиш бора-сида вилоят ҳокими уларнинг мутахассислиги, профессионал маалақаси ва тажрибасини ҳисобга олмасдан, кўпгина ҳал қилувчи лавозимларга ўзининг таниш-билишлари, қариндошлари, ўзига садокатли одамларни олиб келган.

Мисол учун, Баҳодир Каримов деган Самарқанд давлат университетининг профессорини ўзига ёрданичи қилиб тайинлаган. Бу одам профессор илмий унвонига сазовор бўлса-ю, қандай қилиб қабулхонада ёрданичи бўлиб ўтириши мумкин, деган савол тўғрисида.

Ахир, профессор дегани неча йиллар давомида етишиб чиқади.

Шундай экан, бу одам, агар ҳақиқий мутахассис ва профессор бўлса, ўз касби бўйича ишлаши маъқул эмасмики?

Вилоят раҳбарининг буйруғига биноан Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошида ободончилик департаменти тўзилиб, унга раҳбар этиб ўзининг яқин таниши, Самарқанд архитектура ва қурилиш институтининг собиқ проректори Бобо Ғиёсовнинг тайинлаши ҳам кадрлар масаласидаги нотўғри ёндашувга мисол бўла олади.

Холмуродов ҳокимлик курсисига ўтириши биланок, ҳали солиқ соҳасини чуқур ўрганмасдан, унинг сирларини билмасдан туриб, вилоят соҳабашқармасининг раҳбари Рустам Қўчқоровни эгаллаб турган лавозимдан бўшатилиш учун ҳаракат бошлаганига нима дейиш мумкин?

Кўчқоровнинг ўрнига вилоят солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи Зоҳид Мухторовни ўтказиш учун хомхаёлда юргани, бунинг сирлари бугун очилмоқда.

Ш.Мирзиёев Самарқанд вилоят ҳокими бўлиб ишлаган пайтда салбий асосларга қўра ишдан олинган вилоят коммунал хўжалиғи раҳбари Мансур Абдураимов ва қурилиш соҳасида ишлаган Шароф Хотамовни орадан қўп ўтмасдан эски лавозимларига қайта тиклагани ҳам Р.Холмуродов кадрлар масаласида олиб берган нотўғри сиёсатни тўлиқ очиб беради.

Текширувлар шуни кўрсатадики, олти-етти ой мобайнида ҳокимнинг бари қанча таниш-билишлари кўпгина "ёғли" лавозимларни эгаллаб олишган.

Шунингдек, у савдо соҳасида, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган кўпгина "чаққон" ва "шов-воз"ларни ҳам ўзига яқинлаштириб олгани ҳақида гапирмасдан ўтолмайми, деди Юртбошимиз. Бу масалалар бўйича текширишлар албатта охирига етказилади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Мана шундай хунук ишлар ва интилишлар, ўз атрофида нолоқ одамларни тўплаш, умуман, кадрларни тайинлашда номасъул сиёсат олиб бориш билан боғлиқ фактларни яна келтириш мумкин.

Шу ўринда Президент яна бир масалага сессия эл-юрт орасида бўлиш ўрнига, дам олишни, ҳордиқ чиқаришни эсдан чиқармайидган раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари унинг халқдан узоқлашиб, охирида ундан бутунлай ажралиб қолишига олиб келади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдими?

Энг ёмони шундаки, бундай раҳбар жойларда ишлайётган, ёниб-қуёиб меҳнат қилаётган минглаб одамларнинг адолатга, ҳаёtgа, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Ундан ҳам ёмони шуки, бундай вазиятда ташаббускорлик,

Бундай юксак лавозимда ўтирган одам ҳар бир сўзига, ҳар бир қадамига алоҳида эътибор бериши кераклиги ҳақида гапириш ортиқча, деб ўйлайман. Ахир, минг-миглаб одамлар етакчи-раҳбарнинг сўзи ва ишига қараб умуман давлат сиёсатига баҳо беради, шунга қараб хулоса чиқаради.

Мен бугун вилоят ҳокимининг ўз чиқишларида айтган — бу вилоят, шаҳар ёки туман минбари бўладими — ўта хунук баъзи фикрларини такрорлаб ўттирмакчи эмасман, деди Юртбошимиз.

Лекин унинг одамлар шайнига тегадиган, ижтимоий-маънавий муҳитни бўзишга сабаб бўладиган айрим гаплари бўйича тегишли хулосалар чиқариш керак, деб ҳисоблайман.

Яна бир масала бўйича алоҳида фикр алмашиш олишимиз зарур.

Бугун, даладарда гўлла хошилини нест-нобузд қилмай, уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш, ғўзани парвартириш учун деҳқонларимиз, мутахассисларимиз, шу ишларни бошқарадиган хўжалик, туман ва вилоят раҳбарлари туни кунга улаб, машаққатли меҳнат қилаётган мана шундай масъулиятли бир пайтда вилоят ҳокими ўзининг кундалик иш тартибининг тузишда нималарга эътибор қаратган?

Афсуски, ҳозирги ҳал қилувчи паллада деҳқонлар билан далада бирга бўлиб, керак бўлса, уларнинг иш шароитига, меҳнатига тан бериб, ўзини аямасдан кечяқ кундуз эл-юрт орасида бўлиш ўрнига, дам олишни, ҳордиқ чиқаришни эсдан чиқармайидган раҳбарнинг хатти-ҳаракатлари унинг халқдан узоқлашиб, охирида ундан бутунлай ажралиб қолишига олиб келади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдими?

Энг ёмони шундаки, бундай раҳбар жойларда ишлайётган, ёниб-қуёиб меҳнат қилаётган минглаб одамларнинг адолатга, ҳаёtgа, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиши мумкин. Ундан ҳам ёмони шуки, бундай вазиятда ташаббускорлик,

изланувчанлик ва меҳнатсеварлик интилишлари ҳам бутунлай йўқолиб кетади.

Табдиркор ва изланувчан раҳбар ва мутахассисларнинг ҳам ишдан қўли совиб қолади. Бундай ҳавфни сезмаслик ва кўрмаслик жуда катта хато бўлади ва бу қўтирмаган, оғир оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Шунинг учун ҳам бугун кун тартибига киритилган масала бўйича, юқорида зикр этилган ҳолатларнинг барчасини инобатга олиб, фикрлашиб, бир хулосага келишимиз зарур, деди давлатимиз раҳбари Йиғилганларга муножаат этиб, Р.Холмуродов берган ўз ариза-сўзга қўра, Самарқанд вилояти ҳокими вази-фасидан овоз этишни сўраган.

Шундан сўнг Президент ана шу масалани овозга қўйишни тахлиф қилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятнинг янги ҳокими лавозимига номзод ҳақида гапирди.

Бу масала бўйича ҳам вилоят депутатлари ўз муносабатини билдирди.

Ҳозиргина сизлар билан бирга сайлаб-тасдиқлаб олган янги раҳбар олдда жуда катта ва мураккаб вазифалар турганини ҳаммамиз яхши тушунамиз, деди Президентимиз овоз бериш жараёнидан сўнг сўз олиб.

Ишончим комилки, вилоятнинг янги ҳокими бугунги сессия йиғилишида айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, бугун вилоят аҳлининг бошини қовуштириш учун жавобгарлик юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси "Давархитектурилиш" қўмитаси:

Коракалогистон Республикаси Вази-рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вази-рлиги, Молия вази-рлиги ҳамда Халқ таълими вази-рлиги билан бирга, бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига қуриладиган янги объектларни мактабларни капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини фойдаланиш тўғрисида ҳаётда фақат тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича пудрат танлов савдоларининг ўз

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикаси "Давархитектурилиш" қўмитаси томонидан тасдиқланган кейин йўл қўйилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган умумтаълим мактаблари объектларини қабул қилиш тасдиқланган сифат стандартлари ва намунавий лойиҳаларга қатъий риоя қилинган ҳолда Давлат комиссия томонидан амалга оширилади;

архитектура-қурилиш назоратини амалга ошириш ваколати берилган органлар хулосаси бўйича қуриладиган мактаблар ва намунавий лойиҳалардан четга чиқиш ҳоллари мавжуд бўлганда сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишлари қиймати миқдоридеги иш ҳажмига қурилиш қийматидан чиқарилади ёки қамчиликлар жиғиродо мининг маблағлари ҳисобига бартараф этилади.

7. Коракалогистон Республикаси Вази-рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хузуридаги Ягона буюртмачи хизматларига Ўзбекистон Республикаси "Давархитектурилиш" қўмитасининг вакиллари бириктириб қўйилсин, уларга олиб борилаётган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқлиги таъминлаши учун жавобгарлик юклансин.

8. Ўзбекистон Республикаси "Давархитектурилиш" қўмитаси:

Коракалогистон Республикаси Вази-рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вази-рлиги, Молия вази-рлиги ҳамда Халқ таълими вази-рлиги билан бирга, бузиб ташланадиган мактаблар ўрнига қуриладиган янги объектларни мактабларни капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини фойдаланиш тўғрисида ҳаётда фақат тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича пудрат танлов савдоларининг ўз

вақтида ўтказилишини таъминласин;

мактабларни қуриш, капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан буюртмачилар ва пудратчилар ўртасида пудрат шартномалари тузилиши ва шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб бориш;

ҳар чоракда Вази-рлар Маҳкамасига шартнома мажбуриятлари бажарилиши мониторинг натижалари, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларининг сифати тўғрисида ахборот тақдим этсин.

9. "Давархитектурилиш" қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вази-рлиги, Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жаамгармаси билан биргаликда:

умумтаълим мактаблари хузуридаги спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш юзасидан амалдаги норматив ҳужжатларни икки ой мuddатда қайта қўриб чиқсин;

умумтаълим мактаблари хузуридаги замонавий ва ихчам жисмоний тарбия-спорт комплексининг бир қатор намунавий лойиҳаларини 2004 йил охиригача ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ, намунавий лойиҳалар асосида ҳар бир қишлоқ мактабидега жисмоний тарбия-спорт комплекси барпо этилишини таъминласин.

10. Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев)га 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш юклансин.

Махсус комиссия ҳар йили календарь йил ва ярим йиллик якунлари бўйича Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижалари тўғрисида Вази-рлар Маҳкамаси мажлисида ҳисобот бериш.

11. Махсус қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вази-рлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2004 йил 9 июль

Сайлов ҳақида семинар

Кеча Тошкент вилояти ҳокимлигида "Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказилиши ҳуқуқий асослари" мавзусида хуқуқий семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Сиёсий партияларнинг қўйи ташкилотлари, ОАВ ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, жамоат ташкилотлари, халқ таълими вилоят, туман, шаҳар бўлинмалари раҳбар ва ходимлари иштирок этган ушбу семинарнинг вилоят ҳокими К. Тулаганов кириш сўзи билан очди.

Унда дастлаб Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафоев «Ўзбекистон Республикаси сайлов қончилигининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилда парламент сайлови кампаниясини уюштириш муаммолари» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари сиёсий партияларнинг сайлов маълумотларини тақдим этишлари шарт. Ундан ташқари, сайловга тайёрлик қилиш ва уни ўтказиш учун керакли бую ва жиҳозларни сайлов комиссиялари иштироғида бепул бериб туришлари ҳам ушбу Қонунда белги-ланган.

Семинарнинг эркин мулоқот тарзида ўтиши қатнашчилар ўзларни қизиқтирган барча маълумотларни олишлари учун кўл келди.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Бувайда туманидаги «Хилон-қўл» фермер хўжалигида ҳосилдорлик ошиб бораётганлиги боис унинг иқтисодиёти ҳам мустаҳкамланмоқда. Жамоа ўтган йилни бир неча миллион сўм соф фойда билан якунлади. Жорий йилда фермер хўжалиғи аъзолари 12 гектар майдонда галла етиштириб, ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил олдилар. Шунингдек, 11 гектарда парвартириш қилинган ғўзаларнинг ривожини ҳам яхши. Ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил етиштириш мақсад қилиб қўйилган. Бундай муваффақиятларга фермер хўжалиғи раҳбари Ғолибжон Усмоновнинг тадбиркорлиги, савий-ҳаракати туффайли эришилмоқда.

СУРАТДА: фермер Ғолибжон Усмонов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Солиқ ва матбуот

Кеча пойтахтимизда "Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва давлат солиқ идоралари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш йўллари" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати томонидан уюштирилган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг девоини матбуот хизмати, "Узтелеграф" компанияси, етакчи газета ва журналлар, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг вилоят бошқармалари матбуот хизмати ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидландики, семинар да-вомида тайёрланаётган курсатув, лавҳа ва репортажлар географияси кенг эмаслиги, устига-устак, уларда журналистнинг тизим фаолиятига юзаси ёндашуви, соҳани чуқур билмаслиги ҳолатлари учраётгани хусусида ҳам тўхталиб ўтилди ва мазкур масалалар юзасидан оқилона ечимлар тақлиф қилинди.

Анжуман давомида жойлардаги солиқ тизими ҳаётидан тайёрлаб келинган телесожет ва телероликлар қўриқ-танловчи ҳам ўтказилди.

Сандолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ярим йиллик сарҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплексининг жорий йилнинг биринчи ярмида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов бошқарди.

Таъкидланганидек, ўтган ярим йилда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси қорхоналари томонидан тармоқда иқтисодий ислохотларни суқураштириш, давлат тасарруфини чикариш ва хусусийлаштириш, ракобат муҳитини яратиш, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, курсатиллаётган хизматлар ҳажминини барқарорлаштириш ҳамда турлари кенгайтириши таъминлаш каби устувор йўналишлардаги ишлар давом эттирилди.

Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари қорхоналари 127,8 миллиард сўмлик хизмат курсатди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича 43,5 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди.

Уяли алоқа ҳам жадал суриятлар билан ривожланмоқда. Жорий йил боши ҳолатига қўра, уяли алоқа абонентлари сони 395,72 мингга қўпайди.

Маълумотларни узатиш бўйича миллий тармоқни модернизация қилиш ва ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш маълумотларини узатиш тармоғи ва Интернетни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Айни пайтда ушбу лойиҳа бўйича пойтахтимизда 18, вилоятлар марказларида 12 ва туманлар марказларида 132 та маълумотларни узатиш узеллари модернизация қилиниб, ишга туширилди. 2004 йил охиригача бутун республика ҳудудини қамраб олиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, мажлисда мавжуд муаммо ва камчиликларга, жумладан, дебиторлик ва кредиторлик қарзалар қўпайиб бораётганига танқидий баҳо берилди.

Ж.РАУПОВ, ЎЗА мухбири.

Байналмилал маданият марказида

Кеча Республика байналмилал маданият марказида миллий маданият марказлари вакиллари иштирокида брифинг ўтказилди. Айни пайтда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллият ва эллатлар бўлиб, ҳар йили уларнинг маданияти доирасида турли тадбирлар уюштирилади. Бундан ташқари республикамиздаги барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида етти тилда таълим берилади ҳамда хорижий тилларда теле ва радио эшиттиришлар узатилади.

Брифинг доирасида турли миллият ва эллатлар саноатини ифодаловчи расомлар кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу кўргазмадаги ҳар бир миллиятнинг хусусиятларини очиб берувчи суриятлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбирни Байналмилал маданият маркази раҳбари Темура Алимов олиб борди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда юртимиз жамоли

Сўнгги йилларда хоржда, хусусан, Германияда Ўзбекистонга қизиқиш ортиб бормоқда. Буни ушбу мамлакатда юртимизга бағишланган кўплаб учрашувлар, тадбирлар ўтказилаётганидан, ўзбек санъаткорларининг концертлари, расомларининг кўргазмалари уюштирилаётганидан ҳам сезса бўлади.

Яқинда мамлакатнинг Дюссельдорф шаҳрида шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Бу ерда бугунги Ўзбекистон ва ўлкаимизнинг бой тарихига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

Кўргазмадан таниқли ўзбек фото усталарининг асарлари ўрин эгаллаган. Бу суратларни кузатар экансиз, ўзингизни Ўзбекистондагидек ҳис этайсиз. Чунки суратларда юртимизнинг ўзига хос табииати ҳам, кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз кўрки ҳам, халқимизнинг минг йиллардан буён сақланиб келаяётган урф-одатлари ва аъноларини ҳам тўлақонли акс этган. Шунинг учун ҳам кўргазма дюссельдорфлик санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Улар бу ерга қайта-қайта келишиб,

суратларни томоша қилишди. Бундай учрашув ва кўргазмалар икки мамлакат, икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада кенгайтишига хизмат қилиши шубҳасиз. Шунингдек, немисларнинг халқимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитиши. Кўргазмага келган сиёсатчилар ҳам, оддий фуқаролар ҳам бундан бот-бот тақорроллашди. Зеро, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу эди.

Муқаддас ЭРАЛИЕВА.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Бюджет тақчиллиги ўсмоқда



Айни пайтда Италия бюджетидagi камомаднинг кескин тарзда ўсиб бориши кузатишмоқда. Маълумки Европа Иттифоқида аъзо давлатларда бюджет танқислиги 3 фоиздан ошмаслиги керак. Брюссель Италияни мамлакатда ялпи ички миллий маҳсулот ҳажмидаги тақчиллик уч фоиздан ошиб кетмаслиги учун зудлик билан чоралар кўришига чакирди.

Иктисодиёт вазирини Жюлио Тромонти парламентдаги ҳукумат тарафдорлари билан бўлиб ўтган кескин музокаралардан сўнг истеъфога чиқди. Унинг вазифасини вақтинча бosh вазир Сильвио Берлускони бажариб туради.

Яқин кунларда Европа Иттифоқи молия вазирлари йиғилиши, Италия бюджетидagi камомад ўсишини муҳокама қилишлари кутилмоқда. Бундай вазиятда Тромонтининг тўсатдан ўз лавозимидан кетиши Италия сиёсий доираларида ноҳуш ҳолатни келтириб чиқарди. Бир неча ҳафтадан буён парламентда депутатлар мамлакатда иктисодий ислохотлар олиб бориш масаласида бир қарорга келиши олишмаяпти.

«Би-Би-Си» мухбирининг Римдаги воқеаларини шарҳлаб, маълумот узаётгани, Сильвио Берлускони олдига ўта масъулиятли вазифа турибди. У ҳам бўлса, ҳукумат ва парламентдаги иттифоқчилар бирлигини сақлаб қола олиши керак.

Техник қилинишича, давлат харажатлари ЕИ талабига мувофиқ 5,5 миллиард еврогача қисқарилади. Бош вазир вазиятдан чиқиб кетиши йўллари кидирмоқда. У аҳолининг кўнгилни хотиржам қилиш мақсадига солиқлар миқдорини қисқартиришига ваъда берди.

Утган ойда ҳам Европарламентга, ҳам маҳаллий ҳукуматга сайловлар бўлиб ўтди. Эндигина сайланган ҳукумат ўз кўлаб-қувватловчилари ишончиларини сақлаб қолишлари учун анча-мунча тер тўкишларига тўғри келади. Чунки бир томонда муҳолифатчилар ҳам улар ўрнига кўз тикиб туришибди.

Ю. БҮРОНОВ.

Ҳарбийлар гаровда

Грузия ҳукумати вакилининг маълум қилишича, 200 га яқин қуролланган жангарилар Жанубий Осетиянинг Ванати қишлоғида 35 нафар грузиялик ҳарбийни гаровга олишган. Бунга жавобан Грузия зудлик билан воқеа жойига ҳарбий кучларни жўнатди. Сўнгги маълумотларга қараганда, ўртада отишмалар ҳам бўлган. Оқибатда икки грузин аскарлари жароҳатланган, бири гаровга олинган.

Грузия-Осетия ўртасида юзага келган ушбу зиддият туфайли мамлакат президенти Михаил Саакашвили Эрондаги расмий таширифини тўхтатиб, Тбилисига қайтиб келди.



Туркия ҳарбийларидан бирининг сўзларига қараганда, айни пайтда Кирукда фуқаролар уруши бошланиб кетиши мумкин.



сизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Вақти-вақти билан расмий Анкара кўрдаликнинг муҳтор ёки мустақил давлат тузишига бўлган ҳаракатлари нафакат Ироқ, балки Туркиянинг ҳам худудий ахтирлигига катта хавф туғдириши мумкинлиги тўғрисида ўз ташвишини билдириб келмоқда.

Туркия ҳарбийларидан бирининг сўзларига қараганда, айни пайтда Кирукда фуқаролар уруши бошланиб кетиши мумкин.

Диктатор роман ёзди

Араб тилидаги «Аш-Шарк ал-Авсат» газетаси Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусайн томонидан ёзилган романдан парчалар чоп этмоқда. «Йўқол, аблаҳ!» деб номланувчи ушбу роман, тахмин қилинишича, мамлакатга халқроқ коалицион кучлар киришидан олдинроқ, яъни 2003 йил бошларида ёзилган. Кейинчалик кўлғузмага Богдоддан топилибди.

Кирукда этник зиддият

Туркия ҳарбийларининг оғохлантиришича, Ироқнинг шимолида жойлашган Кирук шаҳрида қурдалар билан юзага келган этник келишмовчиликлар Туркия хавф-

Кофе орасидаги кокаин

Антверпен портида Колумбиядан келган кема бортидан Бельгия боғжончилари 114 килограмм кокаин топишди. Манбада айтилишича, унинг баҳоси 5,7 миллион евро туради. Прокуратуранинг маълум қилишича, тўғриванд модда контейнерларга жойланган кофе орасига яширилган экан.

Экологияни бузган учун

Еврокомиссия Австрия, Франция, Германия, Ирландия, Италия, Люксембург, Испания ва Буюк Британия ҳукуматларини атроф-муҳитни ҳимоя қилиш борасидаги ЕИ қончилигини қўпол равишда бузилишига йўл қўйиб бераётганлиги учун оғохлантирди. Экологик қонунга амал қилмаслик бу давлатларга катта жарима қўлланишига олиб келиши мумкин.



Хитой Ойни забт этмоқчи

Уч йилдан кейин Хитой ўз экспедициясини Ойга жўнатади. Бу ҳақда Хитой космик агентлиги раҳбари Сунь Лайянь маълумот берди. Сунь Лайянь хоризк ОАВ вакиллари олдига чиқиш қиларкан, космик дастурни амалга ошириш қай тарзда ўтишини бирма-бир баён қилиб берди.

Сунь Лайяньнинг айтишича, дастурни амалга ошириш мобайнида экспедиция ердан бошқарилувчи аппаратлар ёрдамида Ой орбитасига чиқарилади, кейин эса у ерга суний йўлдош ўрнатилиб Хитой космик станцияси барпо этилиши кўзда тутилган.

Агентлик раҳбари сўзларига қараганда, Хитой бу борада бошқа мамлакатлар билан тенг шерикчилик асосида ҳамкорлик қилишга тайёр. Сунь Лайянь Хитой буюк космик имкониятларга эга бўлган мамлакатга айланмоқчи эканлигини яширмапти. Унинг маълумот беришича, Ойни забт этиш Хитой космонавтисига учун биринчи набатдаги вазифа бўлиб турибди. Уни забт этиш Пекинда Олимпия уйинлар-

ри ўтказиладиган 2008 йилгача амалга оширилиши керак.

ХХР 2007 йилгача Ойга ўз автоматик аппаратларини учуришни мўлжаллаб қўйган. Фарб қулатувчилари Хитой Ойга учуришни амалга оширувчи кучли ракета техникасига эга эканлигини, бироқ Ерга қайтиш масалалари ҳали ечимини топмаганини таъкидлашмоқда.


Сунь Лайянь Хитой орбитал космик станция ва лаборатория қурилишига катта эътибор билан қараётганини таъкидлади. Бироқ у бу лойиҳалар қачон амалга оширилиши ҳақида ҳеч нарса демади.

АҚШ томони Хитойда Халқроқ космик станция барпо этилиши ва фойдаланишга топширилишида иштроқ этишига қаршилик билдирганди. Бироқ Сунь Лайянь Хитой НАСА билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини айтди.

— Хитой ривожланаётган давлатлар сирасига кирса-да, бизнинг ҳук кимдан садақа сўраш ниятимиз йўқ, — деди Хитой космик агентлиги раҳбари.

Хуриш РАУПОВ.

Муз устида шаҳарча



Жанубий Корееда дунёда энг катта контейнер ташувчи кема сувга туширилди. Узунлиги 330 метрлик бу кемага 8500 та контейнер сиғади.

Буюк Британиялик меъморлар мураккаб ишга қўл уришди. Улар Антарктида музликлари устига шаҳарча қурмоқчи. Бу ерда Бирлашган Қиролликнинг Halley Вав илмий тадқиқот станцияси жойлашган. Станцияда 16 киши мунтазам ишлайди. Эзда эса тадқиқотчилар сони элликгача етади. Шунинг учун, уларга доимий яшайдиган макон керак бўлапти. Шу пайтгача станция ходимларига атаб беш марта кино қўрилди. Лекин улар бузилиб кетмоқда. Сабаби муз йилгача бир метргача эриб, бино қулаб тушапти.

Албатта, шаҳарча барпо этиш осон иш эмас. Энг яқин қурилиш материаллари оморлари 3 минг мил узоқликда жойлашган. Уларни ташиб келтиришнинг ўзи бўлмайди. Бундан ташқари, муз эриганда ҳам бузилмайди бинолар лойиҳаси яратилиши керак.

Буюк Британия Антарктида бошқармаси бошлиғи Крис Реплиннинг таъкидлашича, бу ерда шунчаки яшаш жойлари эмас, бутун шаҳарча қад ростлайди. Унда уйлاردан ташқари, электростанция, турли коммуникациялар, чиқиндини қайта ишлайдиган цех, кема порти ва аэропорт бўлади. Бу ишлар учун Англия ҳукумати 19 миллион фунт стерлинг ажратган.

Британиялик олимлар ушбу станцияда 50 йилдан буён тадқиқотлар олиб бормоқда. Биринчи озон тўнуги ҳам худди шу ерда 1985 йилда топилган эди. Ҳозир шаҳарчанин лойиҳа ишлари учун танлов эълон қилинган. Энг яхши лойиҳа Лондондаги Британия меъморлари Қирол институти олимлари томонидан танлаб олинади. Шундан сўнг қурилиш ишлари бошланади.

Дилноза ГАМҚУЛОВА тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

МАННОН УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САЊЪАТ ИНСТИТУТИ

2004-2005 ўқув йили учун куйидаги бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари (турлари) бўйича қабул эълон қилади:

1. *Драматик театр ва кино актёрлиги.*
2. *Музиқий театр актёрлиги.*
3. *Кўғирчоқ театр актёрлиги.*
4. *Эстрада актёрлиги санъати.*
5. *Драма режиссёрлиги.*
6. *Телевидение ва радио режиссёрлиги.*
7. *Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги.*
8. *Кинотелеоператорлик.*
9. *Санъатшунослик журналистикаси.*
10. *Кино, телевидение, радио ва театр томошалари овоз режиссёрлиги.*

Куйидаги ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади:

- *ректор номига ариза;*
- *ўрта ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;*
- *086 У шаклдаги тиббий маълумотнома;*
- *3х4 см. ҳажмда 6 дона фотосурат;*
- *паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

Абитуриентлар мутахассисликдан ижодий имтиҳон ҳамда тест (она тили ва адабиёт, тарих) синовлари топширадилар.

КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР

- *ихтисослик бўйича 5 июлдан 15 июлгача;*
- *умумий фанлар бўйича 25 июлдан 30 июлгача ўтказилади.*

Мутахассислик фанлари бўйича ижодий имтиҳонлар 16 июлдан 25 июлгача ўтказилади.

Тест синовлари 1 август кунини ўтказилади.

Вилоятлардан келган абитуриентлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқишга давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида қабул қилинади.

Қушимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 56-28-80, 56-29-83. Факс: 152-67-22.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ю.Ражабий кўчаси, 77-уй (мўлжал: метронинг «Космонавтлар» бекати).

ESENYA КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:

- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибутери ва етказиб берувчиси.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа бoғ жихозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан ахтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

"LOK KOLOR SINTEZ" корхонасидан **янгилик!**

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ АКРИЛАТ ҚОЛАМАЛАР

(фақат бизнинг корхонада ишлаб чиқарилади)

- Товланувчи «Акрилюкс» эмали**
Юқори товланувчи, тез қурийдиган ва атмосфера ўзгаришларига бардошли эмаль. Сановат жихозлари, қишлоқ ҳўжалик машиналари ва жихозлари, музлатгичлар ва ҳўказоларни бўяшга мўлжалланган. Рангли металллар устидан ва 100С гача бўлган термодуришда қўлланилади.
- Грунт (асос) бўёғи**
Коррозияга қарши грунт (асос) бўёғи металл юзлар, алюминий қоринчалар ва темирдан тайёрланган буомларни грунт (асос) бўяшда қўлланилади.
- ЛАК**
Ички ва ташқи ишлар учун мўлжалланган тез қурийдиган сифатли лак (АК 113 аналог). Паркетларни бўяшда ишлатиладиган жуда сифатли ва мустаҳкам лак.
- Қаттиқ «Акрилюкс» эмали**
Бассейн, сув ҳавзалари, йўл четлари, теннис кортлари, ишлаб чиқариш хоналари ва ҳўказоларни бўяшда қўлланиладиган сувга бардошли ва ўчмайди эмаль.

КОРХОНА ХАЛҚАРО СИФАТ СОВРИНИГА САЗОВОР БўЛДАН ВА СПИНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22.

Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63. E-mail: lokcolor@rol.uz

Яқинда Янгийул шаҳар марказий кутубхона-сидан ўтиб, тўртинчи уйга яқинлашганимда беихтиёр тўхтаб қолдим. Чунки қаердандир кўнгилни ром этувчи мусиқа овози эшитиларди. Янграётган куй хаёлларимни узоқ-узоқларга олиб кетди...

МУСИҚИЙ ИЗ

Кечагидек ёдимда, роппа-роса 45 йил муқаддам дилни қитқилоччи, ширин туйғуларга чўмдирувчи шундай куйни мадҳиямизнинг мусиқасини яратган халқ артисти — бастакор Мутаваккил Бурҳонов ижросида эшитган эдим.

— Бу мусиқани кеча басталаган эдим, ҳали ном ҳам қўйилган эмас. Уни Ҳалима Носирова ижросига мўлжаллаётганман, — деди у ўшанда сочларини бармоқлари билан тараб қўяр экан.

Орадан қанча-қанча сувар оқди, қанча-қанча одамлар келиб-кетди. Мутаваккил ака мустақиллигимиз мадҳиясига мусиқа басталаб ўзини абадиётга муҳрлаб кетди.

Мана, орадан 37 йил ўтгач, Янгийулда ажойиб куйнинг гувоҳи бўлиб турибман. Бу куй ҳам фортепьянодан янграмоқда. Бу уйда ҳеч қим хавлига келтирмайдиган, умрини мусиқашуносликка бах-

шида этган, шахримиз фуқароси Ҳалима Саржонова ўз шоғирди билан фортепьянода машқ қилаётди.

10 йиллар аввал Ҳалимининг уйида меҳмонда бўлганимизда ҳам ажойиб мусиқа эшитган эдик. Ҳалима кўзлари юмук холда клавишлар узра бармоқларини югуртирар, мусиқа оҳангига монанд тебранар

ва паст овоз билан хиргой қилар эди. Ўшанда ҳақиқий мусиқачи ижро пайтида борлиқни унутар экан-да, дея ўйлагандим. Ҳалима жуда ёшлигидан мусиқага, айниқса, фортепьянога қизиққан. Бу қизиқиш уни Янгийул мусиқа мактабига етаклаган. Ўшанда устозлар қизалокнинг эшитиш қобилиятини ва мусиқани хотирада сақлаб қолиш салоҳиятини

кўриқдан ўтказганлар ва Ҳалимининг мактабга қабул қилганлар.

1973 йили мусиқа мактабини тугатган Ҳалима маҳоратини ва билимининг янада ошириш мақсади-

да Тошкентдаги Ҳамза номли мусиқа мактабининг фортепьяно бўлимига ўқишга кирди. У ўз устида тинмай ишлади, устозлар берган сабоқларни юракига жойлаб, мусиқашуносликнинг мураккаб тури бўлган фортепьянонинг сирларини мукаммал ўрганди, чалган куйлари кўнгилдагидек чиқмаганда йн-

лаган пайларни ҳам бўлган. Барибир ундаги ўзига нисбатан қаттиққўллик, талабчанлик ва меҳнатсеварлик хислатлари ўз ишени қиларди. Устозлари унинг бу фазилатларини қадрлар ва бир кун келиб ажойиб фортепьяночи бўлиб етишишига ишонар эдилар.

Ҳалима Саржонова 1978 йили Тошкент мусиқа мактабини битиргач, ўзи ўсиб-улғайган Ян-

гийул шаҳридаги мусиқа мактабига ўқитувчи бўлиб келди. Фортепьянодан ёшларга сабоқ бера бошлади. Шунга ҳам, мана, 25 йил бўлибди.

Шу йиллар мобайнида Ҳалима 45 нафар мусиқа мутахассисини тарбиялаб етиштирди, уларга устозлик меҳрини, мусиқанинг чегара билмас соҳрини кунт билан ўргатди.

Мусиқа мактаби нураб қолган бинога жойлашган эди. Шаҳар ҳокимияти мактабини қайта таъмирдан чиққан, замонавий талабларга мос бинога кўчириш лозим, деб баҳолади. Мана, бир йилдан ошдики, Янгийул мусиқа мактаби янги бинода фаолият кўрсатмоқда.

— Мен, — дейди Ҳалима ўзига хос жилмайиш билан, — мусиқани ҳаётимнинг мазмуни деб биламан. Шундай экан, бор имкониятни ишга солиб болаларни яхшиликка даъват этувчи мусиқа сирларини ўргатишдан чарчамайман.

Ҳа, ёшларимиз орасида иқтидорлар бисёр. Ҳалима Янгийулда хали қўллаб санъаткорлар тайёрлаб чиқаришга, ўз ортидан ранг-баранг мусиқий из қолдиришига ишончимиз қомил.

Солиҳон БОЙМАТОВ,
«Маънавият ва маърифат» марказининг Янгийул шаҳар бўлими раҳбари.



Санъат

Кишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, деҳқон ва чорва хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ШАКЛИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМАЛАР БАЗАСИ

Куйидаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади.

Маҳсулотлар сертификатланган. Мурожаат учун телефонлар: 41-38-80, 132-12-04, факс: 132-11-06.

- Қишлоқ хўжалик шиналари**
 - 13.6x38 — 189 200 сўм;
 - 15.5x38 — 212 300 сўм;
 - 9.00x16 — 65 000 сўм;
 - 9.5x42 — 146 200 сўм;
 - 720/665 ФД — 650 000 сўм.
- Тракторлар (Минск трактор заводи — МТЗ):**
 - МТЗ - 80.1.57 — 17 500 000 сўм;
 - МТЗ - 82.1.57 — 17 750 000 сўм.
- Дизелли трактор двигателлари**
 - Д - 243 - 202 — 2 800 000 сўм.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«КОЛФАРМ» МЧЖ
фармацевтика саноати учун диаметри К-34 мм. ва К-20,3 мм. бўлган **АЛЮМИНИЙ ҚОПҚОҚЧАЛАРНИ**

(стерил ва физ. эритмалар, фармацевтик препаратлар учун) ишлаб чиқаради ва сотади. Қопқоқчалар мазкур маҳсулот тури ва меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган хомашёдан тайёрланади.

Товар сертификатланган № СС-02-01-129-17488

Мулоқот учун телефонлар: 103-41-04, 104-52-16.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

«GARANT MEBEL» МЧЖ
мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм
59 000 сўм
45 000 сўм
56 000 сўм

Маҳсулот сертификатланган

Улғуржи харидорларга чегирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
2004-2005 ЎҚУВ ЙИЛИДА БАКАЛАВРЛАР ВА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ УЧУН 1-КУРСГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

I. БАКАЛАВРИАТ, КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

- Касб таълими йўналишлари:**
 - ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) (Ўзбек ва рус тилларида);
 - техник соҳа (Ўзбек ва рус тилларида);
 - озиқ-овқат технологияси (Ўзбек тилида);
 - тўқимачилик, енгил ва қорғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси (Ўзбек ва рус тилларида);
 - нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (Ўзбек ва рус тилларида).
- Бизнес, муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари йўналишлари:**
 - менежмент (соҳалар бўйича) (Ўзбек ва рус тилларида);
 - технологик машиналар ва жиҳозлар (Ўзбек тилида);
 - нефть ва газ иши (Ўзбек ва рус тилларида);
 - бинолар ва иншоотлар қурилиши (Ўзбек тилида);
 - тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси (Ўзбек ва рус тилларида);
 - электр энергетикаси (Ўзбек тилида);
 - тўқимачилик енгил ва қорғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси (Ўзбек тилида);
 - нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси (Ўзбек ва рус тилларида);
 - озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) (Ўзбек тилида).

II. БАКАЛАВРИАТ, МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМГА

Касб таълими йўналишлари:

- ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) (Ўзбек тилида);
- техник соҳа (Ўзбек тилида);
- озиқ-овқат технологияси (Ўзбек тилида).

Абитуриентлардан қабул комиссиясига куйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: реktor номига ариза; аттестат ёки диплом нусхаси билан (асл нусхаси); 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома; 3x4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат; меҳнат дафтаридаги беғизланган тартибда тасдиқланган қўчирма (махсус сиртқи бўлим учун); фуқаролик паспортининг нусхаси.

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Махсус сиртқи бўлимга ўрта махсус маълумотли, камида уч йил амалий педагогик иш стажига эга бўлган фуқаролардан ҳужжатлар қабул қилинади.

Ҳужжатлар 20 июлгача қабул қилинади. Йўналишлар бўйича тест синовлари кундузги ва махсус сиртқи бўлимларда 1 августда куйидаги фанлардан ўтказилади:

- Ижтимоий-иқтисодий соҳа (менежмент, маркетинг, иқтисодиёт) ва менежмент (соҳалар бўйича) йўналишлари учун: математика — 3,1; чет тили — 2,1; она тили ва адабиёти — 1,1.
- Электр энергетикаси, технологик машиналар ва жиҳозлар, транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш; машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси; енгил саноат маҳсулотлари технологияси; бинолар ва иншоотлар қурилиши; информатика ва ахборот технологияси; нефть ва газ иши йўналишлари учун: математика — 3,1; физика — 2,1; она тили ва адабиёти — 1,1.
- Озиқ-овқат технологияси; тўқимачилик, енгил ва қорғоз саноати буюмлари кимёвий технологияси; нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси йўналишлари учун: кимё — 3,1; математика — 2,1; она тили ва адабиёти — 1,1.

III. МАГИСТРАТУРА:

- менежмент (соҳалар бўйича) (Ўзбек ва рус тилларида);
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш учун машиналар ва жиҳозлар (Ўзбек тилида);
- озиқ-овқат саноати машиналари ва агрегатлари (Ўзбек тилида);
- тўқимачилик ва енгил саноат машиналари ва аппаратлари (Ўзбек тилида);
- автомобиллар ва автомобиль хўжалиги (Ўзбек тилида);
- ҳисоблаш машиналари, компютерлари тизимлари ва тармоқларини математик ва дастурий таъминлаш (Ўзбек ва рус тилларида);
- нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси (Ўзбек ва рус тилларида);
- ийгирув технологияси (Ўзбек тилида);
- тиқув маҳсулотлари технологияси (Ўзбек тилида);
- чарм ва йўлчи технологияси (Ўзбек ва рус тилларида);
- қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар (Ўзбек тилида);
- ёларни қайта ишлаш технологияси (Ўзбек тилида);
- ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси (Ўзбек тилида);
- қанд ва қанди моддалар, бижгиш маҳсулотлари технологияси (Ўзбек тилида);
- дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, дастлабки ишлов бериш (Ўзбек тилида);
- тўқимачилик ишлаб чиқариш технологияси (Ўзбек тилида);
- нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш (Ўзбек ва рус тилларида);
- вино ишлаб чиқариш технологияси (Ўзбек тилида);
- электр таъминоти (Ўзбек тилида);
- нон, макорон ва қандолатчилик маҳсулотлари технологияси (Ўзбек тилида);
- машинасозликда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (Ўзбек тилида).

Магистратурада ўқиш фақат кундузги шаклда амалга оширилади.

Магистратурага кирувчилар 1 июлдан 30 июлгача қабул комиссиясига куйидаги ҳужжатларни топширишлари талаб қилинади: реktor номига ариза; олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси билан (асл нусхаси); 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома; 3x4 см. ўлчамли 6 дона фотосурат.

Фуқаролик паспорти ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Магистратурага кирувчилар танлаган мутахассислиги бўйича билим даражасини белгилловчи махсус фанлардан ҳамда «Демократик жаҳиат қуриш назарияси ва амалиёти асослари» фанидан кириш синовлари топширадилар.

Магистратурага кириш синовлари 3-10 август кунлари ўтказилади.

Институт манзили: 705017, Бухоро шаҳри, К. Муртазов кўчаси, 15-уй, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, 1-ўқув биноси.
Телефонлар: 223-61-97, 223-73-97, 2, 6, 7, 9, 10, 13, 23-автобусларнинг «Китоблар уйи» бекати, 1, 2-троллейбусларнинг «Технология институти» бекати.

Қабул комиссияси.

«Magag» қўллаб-қувватлайди

Бухорода икки йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Магад» оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази томонидан 54 нафар кишига ҳуқуқий, 35 нафар кишига тиббий, 170 нафар кишига психологик хизматлар ва 700 нафардан кўпроқ кишига моддий ёрдам кўрсатилди. Марказнинг асосий мақсади кам таъминланган оилаларни, боқувчи-си бўлмаган ёлғиз кишиларни ёлғиз-қувватлаш ҳамда нотинч оилаларга психологик, тиббий ва юридик ёрдам кўрсатишдан иборат.

Марказ вилоят ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари, кўнгилна нодавлат нотижорат ташкилотлар, Болалар шифокорлари ҳамда «Журналист» уюшмалари билан яқин ҳамкорликда ишламоқда.

Асатулло ҚУДРАТОВ.
«Туркистон-пресс».

Katris ФИРМАСИ

МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ

Ишлаб чиқаради ва тайёрлайди.

Мебель олсан «Katris»дан, розан қилсан дилдан.

Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.

Ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ишлаб чиқарувчи заводлар дилери АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТАДИ.

«Ижмаавто» ОАЖ, «Русавто ГАЗ» МЧЖ — ишлаб чиқарувчи заводларнинг барча моделларига буюртмалар қабул қилинади.

Тўлов шакли — турлича.

Мулоқот учун телефонлар Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62 Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.

«ГАЗ-31105»
«ГАЗ-3102»
«ВАЗ-2106»
«ГАЗЕЛЬ»

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви ҳамда унинг минтақавий филиаллари ходимлари жамғарма бош бухгалтерлари

Анастасий КИСИНИНГ
вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Буюк Ипак йўлининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтадиган қисмини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш бўйича Бош бошқармаси жамоаси «Ўзметкомбинат» корхонаси бош директори А. Фармоновга падари буюртқаси

Қосим ота ФАРМОНОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Автомобиль йўллар институти жамоаси институтнинг Ўқув услубий бўлими бошлиғи Р. Фуломжуватга турмуш ўртоғи

Насиба ИБРАГИМОВНИНГ
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкент гўшт-сут савдо» ОАЖ жамоаси директор муовини Жаҳонгир Арифджановга падари буюртқаси

ТУХТАМУРОТ ҳожи отанин
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Камолитдин Бехўод номидан Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Ўзбекистон Балий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Хаттолик ва миниатюра кафедраси катта ўқитувчиси Нибёлати Холматовга волидан муҳтарамаси

ШАРОФАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси Наманган вилояти ҳўжалик судининг раиси Ҳасан Собировга опаси

Муносибон АЛИЕВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Саноатда ва қончилиқда ишларнинг беҳтар олиб борилишини назорат қилиш Агентлиги жамоаси бош директор муовини Фазлэтдин Тошмухамедовга онаси

ЗАҲРО аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ юдузи» журналы жамоаси журнал бўлим муdiri Икром Отамурода онаси

САЛОМАТ момонин
вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**
Тахрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳаммадиев, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Бюртма 1 — 80; 2202 нускада босилган, ҳажми — 2 забок, Офсет усулида босилган.
Қорғоз бичими А-2
Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Яхшиям Тоғиев ва Баҳодир Файез томонидан саҳифаланди.
Тахриратга ҳажми 5 қорғоздан ишлаб материаллар қабул қилинмади.
[1]-Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ю. Буринов.
Мусалхўҳ — М. Екубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 23.40
Топширилди — 12345